ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МЧЖ "Kafolat-lyuks" аудиторлик ташкилоти Андижон шахри, 1-кичик даха 26 А уй 14 хонадон.		REPUBLIC OF UZBEKISTAN ANDIJAN REGION THE AUDITING FIRM "KAFOLAT-LUX" Andijan City, 1-region,

"Бўз" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 2017 йил молиявий хисоботларини аудиторлик текширувидан утказилиши асосидан

Ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Текширилаётган корхона тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Бўз шахарчаси А.Икромов кўчаси 14 уй

ИНН-200 263 522

ОКОНХ-17111

Хисоб рақами- 20210000700279308001 АТБ "Агробанк" Бўз туман бўлими

(МФО-00053)

Телефон:

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Андижон шахри, 1 кичик даха, Фуркат кўчаси 26а-уй 14 хонадон

ИНН-202 468 881

ОКОНХ-84400

Хисоб рақами 20208000203715469001, АТ "Халқбанки" Анд вил. амалиёт бўлими (МФО-00649)

Телефон: Аудитор. +99891 360-19-73
Факс:0 374 226-04-15, электрон почта: kafolat-lyuks@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 февраль куни 457-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 март куни 00315-сонли "Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказиш" бўйича лицензия берилган

Ташкилот директори Рахмонова Умидахон Расуловна 2016 йил 16 январда берилган 05365-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга

Андижон-2018 й

Хулосанинг асосий ва якуний қисми

Мен, МЧЖ шаклидаги "Kafolat-Lyuks" аудиторлик ташкилоти аудитори К.Т.Турғунов (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 28 февралда берилган 05291-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) ўзаро тузилган шартномага асосан "Бўз" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 1-шакл "Бухгалтерия баланси" ва 2-шакл "Молиявий натижалар тўғрисида"ги ҳисобот, "Пул оқимлари тўғрисида"ги ва "Хусусий капитал тўғрисида" ги ҳисоботлардан иборат 2017 йил молиявий хисоботларини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги: "Бўз" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг раҳбарияти бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофик 2017 йил учун тақдим қилинган молиявий хисоботларининг тайёрланиши ва хакконийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги: Берилган аудиторлик хисоботи ва хулосаси учун аудит ташкилоти жавоб беради. Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, "Бўз" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия хисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА) талабларига мувофик ўтказилди. АФМА молиявий хисоботларда жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос:

Жамиятда асосий воситалар кайта бахолаш фарки белгиланган тартибда асосий воситалар киймасида юритилмаган, бундан ташкари хусусий капитал тўғрисидаги хисоботи коникарсиз юритилган хамда солик хисоботлари талаб даражасида тўлдирилмаган.

Тавсия: Жамиятда хисобот ишларини яна қатъийдан кўриб чиқиш, аниқланган хисоботдаги кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш.

Шартли мажбий фикр: Бизнинг фикримиз бўйича, "Бўз" пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 2017 йил учун тақдим қилинган ўзгартирилган молиявий хисоботлари барча муҳимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини кокорига кўрсатилган камчиликлар тўла бартараф этилганда сўзсиз хакконий акс эттиради.

Аудиторлик хисоботи

Берилган сана 2018 йил 30 апрель

MChJ shaklidagi "Kafolat-Lyuks"
audit tashkiloti
direktori: **U.Raxmonova**

Auditor: **K.Turgunov**

Andijon-2018 y